Маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида энг биринчи навбатда шахс камолига урғу берилган. Шахс тарбияси, айниқса, ўқитувчи ва ўқувчи орасида илк инсоний муносабат, “Устоз шўогирдлик” анъаналари келажагимиз тарихидаги кўпгина мактаблардан маълум. Бугунги педагогик жараён мазкур масалага кенгрок қараш, инсонпарварлик, бағрикенгликни тақозо этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисидаги қарорининг ҳаётга тадбиқ қилиниши юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Такомиллаштирилган Давлат таълим Стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурлар асосида дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратиш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва мактабларни улар билан таъминлашнинг ягона комплекс тизими яратилди.

Шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эътибор ҳам ортган. ХТПХҚТМОИ учун янги Устав ва янги Давлат талабларининг қабул қилиниши фикримиз далилидир.

## **МАВЗУ: ЧЕТ ЭЛЛАРДА ВА МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖ ТИЛИГА ЎРГАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ.**

### **Р Е Ж А**

1. Хориж тилига ўқитиш методларини такомиллаштириб боришнинг зарурлиги.
2. Замонавий методлар (интенсив методлар) хусусида қисқача шарҳ.
3. Хориж замонавий методларидан фойдаланиш усуллари.

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

Лингвистика, психология, структурал оқим, Аудилингваль, фриз, Аудиовизуал, интенсив ўқитиш, релаксопедия, хотира резервлари, интеллектуал активлик, ижобий эмоция, психологик тўсиқ, махсус матнлар, суггостопедия, ритмопедия, гипнопедия, кибернетизациялаш, суггестив бошқариш.

### **Машғулотнинг мақсади:**

1. Таълимий мақсад: Малака ошириш курсига келган ўқитувчиларга мавзу бўйича тўлиқ маълумот бериш, инглиз тили ўқитишда хорижда ва мамлакатимизда замонавий методлардан фойдаланиш ҳақида мукамал маълумотга эга бўлиш.
2. Тарбиявий мақсад: Малака оширишга келган ўқитувчиларга ўз касбларига, ўзи яшаб, хизмат қилаётган ватанига, жамиятига ва тили ўрганилаётган мамлакатга бўлган бўлган мухаббат руhini ривожлантириш.
3. Ривожлантирувчи мақсад: Мавзу бўйича ўқитувчилар орасида тажриба алмашиш, методик савиясини ошириш, истиқбол режаларини ишлаб чиқиш.
4. Амалий мақсад: Дарсда инглиз тили ўқитиш ва ўрганиш мухитини яратиш, маърузачи ва ўқитувчилар орасидаги интерфаолликка эришиш.

**Маҳсулотнинг жихози: тингловчилар учун услубий қўлланма, методик ишланма ва турли қоғозлар, маркер, скоч каби жихозлар**

### **МАШҒУЛОТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

1. Уюштириш (музёра)	5 дақиқа
2. Маънавий қисм	5 дақиқа
3. Мавзу бўйича сухбат (Ақлий хужум ва кластер тузиш)	40 дақиқа
4. Мавзуни мутахкамлаш (Гурухлар ишини ташкил қилиш)	15 дақиқа
5. Ўз-ўзини одилонга баҳолаш (хулоса)	10 дақиқа
6. Мавзу юзасидан тавсиялар бериш. (Яқунлаш)	10 дақиқа

### **Мустахкамлаш учун топшириқлар:**

I шўъба - хориж тилини онгли ўрганишга асосланган нутққа тайерлов машқларини бажаринг;

II шўъба - Г.Лозанов методикаси асосида диалогик нутқни ўстиринг;

III шўъба - тил материалини онгли ўрганиш асосида кенг профилли ўқишга ўргатинг;

IV шўъба - Г.Лозанов методи асосида монологик нутқ ўстиринг;

V шўъба- мутахасислик бўйича матнларни ўрганинг;

Хозирги вақтда нафақат хориж тилига ўқитиш бўйича балки барча фанларга ўқитишни, ўргатишни янги-янги методларини излаб топиш ва уни амалда синаб кўриш

тўғрисида кўп ишлар қилинапти. Бу ҳозирги кундаги таълим тарбия жараёнини яхшилаш, учун хал қилиниши керак бўлган энг муҳим муаммолардан биридир.

Агар аввал хорижий тилни ўқитиш шу тил системасини ўрганиш деб қаралган бўлса, кейинги йилларда ўқитишдаги муҳим кўзланган нарса бу ўқувчиларни хорижий нутқини ўстиришдан иборат бўлди. Шунга айтиш керакки хорижий ўрганишдаги бу мақсадлар, ўз-ўзидан ёки бирор кимсалар шахс томонидан қўйилмайди, балки лингвистика ва психология фанидаги ўзгаришлар ва социал жамиятнинг ривожланиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан: Аудиолингволь методни олиб кўрайлик. Бу методнинг юзага келишига лингвистика фанидаги ўзгаришлар, яъни структурал оқимни таъсири бўлди.

У қуйидаги принципларга асосланади:

1. Хорижий ургатиш аввал оғзаки нутққа ургатишдан бошланмоғи зарур;
2. Тил ўрганиш турли структуралар, нутқ наъмуналари асосида амалга оширилади;
3. Машқлар ҳам шунга асосланган ҳолда тил материални кўп марта такрорлашни талаб қилувчи машқлар бўлиши кераклиги тақозо этилади;
4. Машқлар ва лексикани танлаш хориж тили билан она тилини қиёслашнинг натижаларига боғлиқ бўлиши керак.
5. Талаффузга катта эътибор.

Бу методнинг асосий камчилиги, механик машқларнинг кўплиги ва хақиқий нутқ машқларининг озлигидир. Бу метод асосчилари америкалик методист олимлар Ч.Фриз ва Р.Ладолардир.

Масалан: Фриз, бошланғич этапни асосий мазмунини структуралар (моделлар)ни ўрганиш ташкил қилиш керак. Грамматиканинг шу йул билан ўрганиш буни асосини ташкил қилади.

Ч.Фриз билан Р.Ладонинг фикрича ўқувчилар аввал оғзаки нутқда ишлатилувчи структураларнинг (гапларнинг) йиғиндисини ўрганиши ва эслаб қолишлари керак. Кейинчалик шу структуралар асосида янги-янги гаплар тузиши керак яъни малака ва кўникмалар ҳосил қилиниши керак. Бўлар тренировкага мўлжалланган машқлар ёрдамида амалга оширилади.

1950 йил келиб ғарбда янги бир метод шаклланиб етди. Бу "аудио-визуаль" метод эди. Унинг асосчилари югославялик методист Петр Губерин ва францўз Пьер Ривон, Ж.Гугенейм ва бошқалардир. Бу метод тилни (тил материални) эшитиш ва кўриш сезгилари орқали эслаб қолишга асосланган. Бу методнинг асосий хусусияти шундаки у ўрганаётган тил материални ҳаётий ситуациялар билан боғлаб ўрганишни тақозо этади. Тил ўрганиш асосан тематик принципларга асосланган. Бу метод муаллифларининг фикрича ўқувчилар кундалик турмушда учраб турадиган, энг кўп ишлатиладиган мавзуларни (квартира, уй ва х.к.) ўрганишлари керак. Бу мавзуларнинг ҳаммаси асосан кўриб қабул қилиш сезгиларига асосланган бўлиши, яъни диафильмларни кенг ишлатиш асосида бўлмоғи зарур. (Ушбу тезис шархланади).

Сўнги йилларда хорижий тил ўқитишни интенсивлаштириш масаласи бўйича бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Булар янги интенсив методларни юзага келишига сабаб бўлди. Хўш, интенсив метод ўзи нима? Уни қандай тушуниш мумкин? Интенсив ўқитиш деган сўзнинг бирлиги маъноси бу қисқа вақт ичида ўқувчиларни ўрганаётган хориж тилида нутқ фаолиятини амалга оширишга, яъни гапиришга ургатиш. Бу асосан ўқувчиларнинг ички психологик имкониятларига, резервига таянган ҳолда амалга оширилади. (Леонтьев А.А. Китайгородская)

Демак интенсив метод (ёки интенсив) ўқитишнинг қуйидаги икки ҳарактерли хусусиятини кўрсатиш мумкин:

1. Жуда бир қисқа вақт ичида маълум ўқув материали асосида хорижий нутқ фаолиятини амалга ошириш.

2. Шахснинг барча резервларидан (психологик) максимал даражада фойдаланиш яъни ўқувчиларнинг активлигини ошириш. (кейинги йилларда дарс жараёнида қувчилар фаоллигини ошириш юзасидан кўп иш қилиш зарурлигини тақозо этмоқда).

Юқоридаги факторларнинг иккинчи аудиторияда психологик "микролимат"ни ҳосил қилишга қаратилган. Бундай микролимат ўқувчилар активлигини ошириш шартларидан бири. Таниқли методистларидан бири Е.И.Пассовнинг айтишича ҳозирги вақтдаги хорижий тилни ўқитишда амалда қўлланилаётган коммуникатив ёндашиш ситуациясига асосланган шу интенсив ўқитишнинг бир кўринишидир.

Интенсив методлар ҳақида қисқача шарҳ.

Интенсив метод дастлаб XX асрнинг бошларида "тўғри" метод асосида шакллана бошлади. проф. Н.И.Гезнинг айтишича "тўғри метод хорижий интенсив ўқитишга ўтишга қулай имконият, асос яратиб берди". Чунки тўғри методнинг баъзи бир принципаъл томонларини чунончи,

1) оғзаки нутққа бўлган қизиқиш, айниқса диалогик нутққа;

2) ситуациялар танлаш;

3) ўқувчиларнинг дарсдаги активлигини ошириш;

кабилар ҳозирги замонавий интенсив методларнинг у ёки бунисига асос қилиб олинган. Бу табиий албатта, чунки ҳар бир янги метод ўзидан олдин ўтган методнинг яхши томонларини сақлаб қолади.

Сўнги йилларда аудиолингвал, аудиовизуал, гипнопедия, релаксопедия, суггестопедия, ритмопедия каби янги бир йўналишни билдирувчи сўзлар тез-тез методик адабиётларда учраб турадиган бўлиб қолди.

Шуни айтиш керакки бу номи тилга олинган методлардан аудиолингвал ва аудиовизуал методлар интенсив ўқитиш амалиетида қўллана олмайди. Бунга уларнинг принципаъл томони, яъни она тили ишлатишга суянмаслик, тил имитация - тақлид қилиш орқали ўрганиш, ёд олиш ва ижодий машқларнинг йўқлиги халақит беради.

Гипнопедия

Релаксопедия бу методлар фақат тил материални эслаб қолишда яхши натижалар беради, лекин нутқда қўллашни таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам таниқли олим проф. Гегечкори Л.Ш. гипнопедия билан релаксопедияни хорижий тилни ўқитишда ишлатилиши мумкин бўлган приёмлاردан деб қарашни таклиф қилади, чунки улар берилаётган информацияни эслаб қолишга қаратилган ҳолос.

Кейинги йилларда шахсни объект сифатида ўрганиш ва уни барча ижодий имкониятларини аниқлашда педагогика, психология, социал психология, медицина фанларидаги изланишларни бирлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтдаги муҳим масала ўқувчиларни янгича фикрлашга, ижодий фикрлашга ва уларни ҳаётга тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу эса шахсни ҳар томонлама ўрганишга бўлган талабни кучайтиради. Шундай қилиб ўқувчи шахси ўқув процессининг марказий, асосий фигурасига айланиб қолди.

Г.Лозанов - психотерапевт, тиббиёт фанлари доктори болғар олими инсонни ички резерв имкониятларини ўрганишга қаратди.

У 3 муҳим факторни ўрганишга киришди:

1. Хотирани резервларини очиш;
2. Ўқувчи шахсини интеллектуал активлигини ўрганиш;
3. Ижобий эмоция, (чарчаш хиссини йўқотади). Ўқитувчининг роли, авторитети; ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабат; ўзаро ишонч, юқори даражадаги мотивация, шахсининг ички резерв имкониятларини очиш. (Ушбу тезис изоҳланади).

Олимлардан Гегечкори Л.Ш. ва Леонтьев А.А. эътироф қилишларича Лозанов методи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) кўп сонли нутқ бирликларини ўрганишда;
- 2) ўқувчиларни хорижий нутқ жараёнида тил захирасини, луғат бойлигини ишлатишни, ўрганилган нутқ бирлигини бошқа бир ситуацияда қўллаш малакаларини ҳосил қилишда;
- 3) ўқишга ўрганишда юқори мотивацияни ҳосил қилишда;
- 4) психологик тусиклар бўлиши (уятчанликни, қўрқинчни, одамовийликни) олиб ташлашда жуда яхши натижалар беради.

Шуниси ҳарактерлики Лозанов ўз олдига хорижий ўқитиш методикасини ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўйгани йўқ. 60-70 йиллар Лозанов методикаси хорижий ўрганишда қўллашга ҳаракат қилиб кўрилди. Ҳозирги вақтда олимлар ва методистлар интенсив методикани мамлакатимизда қўлланилаётган "онгли - амалий" метод билан мужассамлашган ҳолда қўллаш йўлларини ишлаб чиқишди. Бу методнинг (Лозанов) фақат айрим принцип ва приёмларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

1.Эмоционально - смесловой метод (И.Ю.Шехтер) ролли уйинлар жараёнида мазмунли ўзгартиришга асосий эътиборни жалб қилиш. Бундай қараш кишининг шахсий фикрлаши қандайдир тил бирликларининг мажмуасидан келиб чиқмайди деган қарашга асосланади. Бу методдаги асосий восита - коммуникатив вазифалар системасида. Бу метод бўйича ўқитиш 3 циклга (даврга бўлинади):

I. Ҳаётда энг кўп учрайдиган ситуациялар асосида гапиришга ўрганиш. Грамматика ўрганилмайди, уй вазифаси ҳам йўқ. Бу давр охирига келиб 1200-1400 лексик бирликни ўз ичига олган ўқув матнларини ўқиш мумкин.

II. Бирор касбкорга таълуқли нутқий жараёнга ўтиш, манологик нутқ ҳар томонлама кенг ривожланади.Аста-секин таржима асарларидан кўчирма олиш (реферирование) ёзув ва грамматика ўрганишга ўтилади. Илмий - сиесий ҳарактерга эга бўлган матнлардан фойдаланиб касбга таълуқли муаммоли ситуациялардан ташкил топган турли уйинлар асосида хорижий ўргатиш.

III. Нутқ тобора маълум касб бўйича шакллантирилади боради. Махсус матнлар, ишга тааллуқли ҳужжатлар, касб бўйича хат ёзишувлар ўқув материални ташкил қилади.

2. Л.Гегечкори таклиф қилган интенсив курс катта ешдагиларни ўқитишга мўлжалланган. Бунда ҳам 3 давр ажратилади.

Даврлар ўртасидаги этап (яъни тил тайёргарлиги этапи) бу методни бошқа методлар билан фарқлашдаги асосий хусусиятдир.



Бунда тил материали онгли ўзлаштирилади.

3. Петрограддаги урмончилик академиясида ўқитувчиларни хориж тили ўқитишни интенсив метод асосида олиб бориш юзасидан эксперимент ўтказилди. Бунда ўқув жараёни қуйидагича ташкил қилинди:

I шўъба - хориж тилини онгли ўрганишга асосланган нутққа тайерлов машқларини бажариш;

II шўъба - Г.Лозанов методикаси асосида диалогик нутқни ўстириш;

III шўъба - тил материалини онгли ўрганиш асосида кенг профилли ўқишга ўргатиш;

IV шўъба - Г.Лозанов методи асосида монологик нутқ ўстириш;

V шўъба- мутахасислик бўйича матнларни ўрганиш;

4."Курс погуружения " - Ухлатиб қўйиб ўқитиш курси (Плесневич А.С. Инглиз тили ўқитишда синаб кўрган). 10 кунга мўлжалланган.

Мақсад: Илмий ходимларни чет эллик ҳамкасблари билан илмий-касбий мулоқотларни амалга оширишга мўлжалланган. Бу метод ўқитувчиларни ўқитишнинг яқуний босқичида қўлланилиши мумкин. Ўтилган мавзуларни қайтариш сифатида.

5.Суггестокрибернетик интеграл метод. (Петрусинский В.В.) (катта ёшлилар учун)

Суггестив бошқаришни "кибернетизациялаш" бу методни асосини ташкил қилади. Ўқитиш автоматлашган техник воситалар орқали олиб борилади. Ўқитувчи иштирок этмайди. У фақат материал танлаш ва билим, малака ва кўникмаларни назорат қилади холос. Бу метод асосан бошланғич методни автоматлаштиришга ёрдам беради ва лексик материални хотиради сақлаб қолишни таъминлайди. Хулоса қилиб айтганда у ёки бу интенсив курсни баъзи бир хусусиятини хорижий олий таълим системасида олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин. У шахсни ўқув жараёнида ҳар томонлама фаоллигини оширишга мўлжалланган.

## ***The Theme: ORGANISING LESSONS TO TEACH NEW LANGUAGE***

### ***The plan:***

#### ***1. THE IMPORTANTS OF ORGANISING LESSONS***

#### ***2. OBJECTIVES***

### **3. LESSONS TO TEACH NEW LANGUAGE ITEMS (VOCABULARY, GRAMMAR AND FUNCTIONAL LANGUAGE)**

#### **4. THE PRESENTATION PHASE**

#### **5. THE PRACTICE PHASE**

#### **6. THE PRODUCTION PHASE**

#### ***Supported phrases:***

***Important, new language, objectives, language items, vocabulary, Grammar, functional language, Grammar translation Direct method, communicative Method, PPP lesson, Presentation, Phase, Practice, Phase, Production Phase***

## **ORGANISING LESSONS TO TEACH NEW LANGUAGE**

In this chapter we look at a framework to organise English lessons to teach new words, grammar and functional language using a variety of teaching techniques and activities. In Chapter 5, we will look at a slightly different framework for lessons to practice language skills (reading, listening, writing and speaking).

These two chapters will give you simple and useful frameworks which you can use to plan one lesson or a whole series of lessons. Once you know these frameworks, you can build on them and adapt them by using the ideas and activities in this book, as well as your own ideas.

## **WHY IT IS IMPORTANT TO ORGANISE LESSONS**

It is important to organise lessons well. As a teacher, you need to teach your syllabus and help your students learn well and succeed. You need to introduce new language, help students practice it and give students a chance to communicate freely with each other in English. You also want to make sure that you include a variety of teaching approaches in your lessons, to keep students motivated and to help them learn better.

So where do we start? Lessons that focus on using words, structures and functional language are taught in a slightly different way from lessons which improve students' reading, listening, writing and speaking skills. There are also many ways of organising the learning activities within a lesson. These depend on the level of your students and on how much English they hear and see

outside school. All well-structured lessons have variety but they proceed in a logical way, so we need to start with the objectives of the lesson.

## OBJECTIVES

When planning a lesson, you first have to decide on the objectives of the lesson. One way to set objectives is to think about what your students will know and be able to do at the end of the lesson, that they did not know or could not do at the beginning. Sometimes, these objectives are listed in your syllabus. A good course book usually has clear objectives set out in well-structured lessons.

Look at these detailed objectives:

Example A

By the end of the lesson, students will know and be able to use six verbs to describe daily routines, for example, wake up, brush teeth, get dressed, have breakfast, catch the bus, eat lunch. The objective of this lesson is to teach students to use new vocabulary (words for daily routines).

Example B

By the end of the lesson, the students will know how to form and ask questions in the present tense, for example, 'Do you catch the eight o'clock bus every day?'

The objective of this lesson is to teach students to use new grammar (how to form questions in the present tense).

Example C

By the end of the lesson, students will know and be able to use three ways to ask permission, for example, 'Can I ...?', 'Could I ...?', 'May I ...?'

The objective of this lesson is to teach students to use a new language function (asking permission).

Example D

By the end of the lesson, students will be able to understand the main

- points of a news broadcast.

The objective of this lesson is for students to practice their listening

- skills (by listening to and understanding a news broadcast).

So you can see that we need to set objectives for all lessons, whether we

- are teaching a new language item (that is, vocabulary, grammar or functional language), or practicing a language skill (reading, listening, writing and speaking).

## LESSONS TO TEACH NEW LANGUAGE ITEMS (VOCABULARY, GRAMMAR AND FUNCTIONAL LANGUAGE)

First, we are going to look at a framework for a lesson which teaches new language items. It incorporates aspects of all the different teaching methods (some from the Grammar Translation teaching method, some from the Direct Methods and some from the Communicative Method). It is based on both a Grammatical and Functional view of language. This framework is called the PPP framework.

A PPP lesson is divided into three phases: Presentation, Practice and Production.

One of the best ways of helping students to reach the objectives of the lesson is to introduce the new language well in the first phase of the lesson: this is the Presentation phase. Then, students need to have plenty of activities to help them to practice the new language: this is the Practice phase. Lastly, the students need time to use the new language they have learned in order to communicate with each other: this is the Production phase.

At the beginning of a PPP lesson, only the teacher knows the new language item and how to use it. The teacher presents and teaches this language to the students by demonstrating it to them (modeling the language), explaining it and giving students lots of practice in how to use it. By the end of the lesson, during the Production phase, the new language becomes part of the

students' own knowledge of language and they should be able to use it easily, together with other English that they have learned before.

This is a very useful framework because

- it is based on effective learning principles;
- it is an easy framework to use for planning a lesson or series of lessons;
- it ensures that students learn to use some language;
- the lesson is divided up into different activities or phases so that students are not bored;
- it has a good balance between teacher talking and student activity;
- it has a good balance of language skills;
- it includes all methods of language teaching;
- it is a flexible model and can be used for many different learning levels and contexts;
- it gives an opportunity for students to become more accurate in English;
- it gives an opportunity for students to practice becoming more fluent in English.

The PPP framework also

- provides a useful starting point for new teachers;
- aims to help students to understand and know about a new area of language;
- leads students to use this new language;
- encourages students to be more active in their learning;
- helps students to improve their speaking, writing, listening and reading.

So let's look at the phases of a PPP lesson in more detail. We have used examples of introducing new functional language to illustrate the lesson framework. You will find more activities for presenting new language items which you can use in PPP lessons in Chapters 6 to 8.

## **THE PRESENTATION PHASE**

During the Presentation phase, the teacher introduces the new language items that the students need to learn. This new language may be some vocabulary, grammar, or functional language.

When presenting new language, the teacher must show three things very clearly:

1. What it means.
2. How and when it is used.
3. What it sounds like.

It is also important to show students how to form the vocabulary, grammar or functional language, and to check the spelling of new words.

Students need to understand the meaning of the new language, so the teacher must set the scene and put the new language into a very clear and obvious context. There are several ways of doing this:

1. The teacher uses real objects or pictures, or draws objects, people or a situation on the blackboard.
2. The teacher tells the students about a situation which demonstrates the meaning of the new language.
3. The students read a text or listen to a tape which contains examples of the new language. This can be a story or a dialogue.
4. The teacher mimes (acts without speaking) an action or emotion or acts out a role play or dialogue which helps show what the new language is and when it is used.

For example, to present the function of asking for something, 'Could you ...?', the teacher can act out a brief dialogue, as follows.

The teacher mimes that she does not have a pencil. Then she says the following dialogue (taking both parts):

Teacher A: 'I don't have a pencil. Could you lend me a pencil?' Teacher B: 'Yes, of course.'

The teacher then checks that students understand when and how this function is used, by asking questions.

To make sure that you cover all the important information about a new language item in the Presentation stage, it is best to go through the following steps:

1. Set the scene using one of the techniques listed in points 1 to 4 above.
2. Model the new language, saying it two or three times.
3. Ask students to repeat the new language several times out loud, first the whole class, then in groups, then in pairs.
4. Ask questions to check that students understand the meaning of the new words, structure or function.
5. Write the new language item on the blackboard, marking in the stress and checking the spelling with the students.
6. If necessary, explain the grammar of the new language item.
7. Ask students to copy the information from the board into their notebooks.

Do not introduce new grammar and new vocabulary at the same time:

this can be very confusing for students. If you introduce new grammar, it is important to check that the students already know the vocabulary of the scene or situation in which the grammar is presented. It is a good idea to check or, if necessary, to pre-teach this vocabulary before presenting new grammar. Similarly, when you introduce new vocabulary, present the new words in a grammatical structure which the students already know.

When you present new functional language, you do not need to explain the grammatical structure of the phrases. Encourage students to remember whole phrases and when they are used.

During the Presentation phase of the lesson, the teacher does most of the talking and has strong control over the students. The teacher expects students to write and to say the language very accurately. If they make mistakes in writing or speaking, the teacher corrects them.

You can see that by the end of the Presentation phase, the students understand the meaning of the new language, they can pronounce it correctly, they know how to spell it, and they understand the way it is formed. They have listened to it, repeated it, read it and written it down.

Now students need to practice the new language without so much support from the teacher.

## **THE PRACTICE PHASE**

It is very important that students have enough practice of the new language. Students can do this by listening, repeating, writing and reading the new language, using a wide variety of learning activities. Students can practice individually, in pairs, in groups or as a whole class (see Chapter 18 for guidance on organizing group and pair work).

Remember that practice must not begin until the teacher is sure that the students understand the language they are using. If the Presentation phase has been done well, this should not be a problem.

Practice should begin in a very simple way where the teacher controls everything the students say or write. At this stage, the teacher corrects sentence construction, use of the language, and pronunciation. We call this the Controlled Practice phase and it uses some of the repetition techniques used in the Direct Methods, such as drilling.

Drilling is a very controlled practice: it is the simplest way of practicing. It can be rather mechanical and does not challenge the students to think, but it gives them the chance to physically practice pronouncing the new language, getting the sounds and intonation right and getting the words in the right order. This is why drilling is a very important technique of practicing new language. There are more examples of written and spoken drills in Chapters 6 to 12.

For example, students can practice the new vocabulary, grammar or function by repeating sentences. The teacher says: 'I don't have a pencil. Could you lend me a pencil?', and the students repeat 'Could you lend me a pencil?'. The teacher says more similar phrases, and the students repeat the 'Could you . . . ?' phrase.

Later in the Practice phase, the students do activities with less teacher help and control. They must learn to practice the language in pairs; the teacher only guides the practice. We call these

the less controlled or guided stages of the Practice phase. At these later stages the teacher should monitor. (To monitor means to check; for example, the teacher walks around the class listening and helping while students are doing practice activities individually or in pairs or groups.)

Most language lessons in school focus mainly on the presentation and practice of new language. At the end of these phases, students should be able to speak or write the new language fairly well without making many mistakes. So it is now time for the teacher to give students different activities which allow them to use the new language they have learned in a more free situation.

### **THE PRODUCTION PHASE**

In the Production phase, students should do activities that they may have to do when they leave the classroom, for example, writing a letter or reading a newspaper article and telling someone about it, or taking part in an interview. We can think of this phase as the final rehearsal for using language in the real world.

Students should be encouraged to use other language they know or have already learned in previous lessons. During this part of the lesson, the teacher does not usually interrupt, help or correct errors. The students must learn to communicate successfully with only the help of their fellow students.

For example, as a Production activity for the functional language of asking someone to do something ('Could you . . .?'), students act out a short dialogue between someone who has to get to school to write an exam. His bicycle has a puncture. He asks his friend 'Could you lend me your bicycle?' or 'Could you take me in your truck?' or 'Could you tell the teacher I will be late?'

### **EXTENDING THE PPP FRAMEWORK**

The PPP framework is very flexible. You can use it to plan a series of PPP lessons. You can also divide the phases and spend one-whole lesson on each phase: for example, one whole lesson can be used for presenting a new language item, another lesson can be spent doing different kind of Practice activities, and one or even several lessons can be spent doing Production activities. This extended version of the framework is very useful when lessons are only 30 or 40 minutes long and time can be lost taking the register or settling down. Students who already know a lot of English and need to practice their fluency need less controlled practical but they can benefit from a longer production lesson.

The PPP framework, as we have seen, is useful for planning lesson which introduce new vocabulary, grammar or functional language. During a PPP lesson, students use the four language skills of speaking, reading, writing and listening in order to practice the new language. So in a PPP lesson, you can include a focus on skills as well as the focus on new language. This way of building language skills into the lesson gives a variety of activities within a lesson, and the language-item and language-skills work reinforce each other.

However, you may want or need to give students time to focus only on improving their listening, speaking, reading and writing skills. In the next chapter, we look at how to organize a lesson to practice these language skills.

**Classroom**

**Action**

**Task**

Take a look at a lesson in your course book. Is it in anyway based on a PPP framework?

Is there a variety of practice activities using all four language skills?

How could you include some practice activities in this lesson?

Are there any activities for free practice of the language (Production phase)?

Can you think of some free practice activities to build into this lesson?

## АДАБИЁТЛАР

1. Ж.Жалолов Инглиз тили ўқитиш методикаси. "Ўқитувчи" Тошкент
2. К. К вопросу об истории развития интенсивных методов зарубежом. Методы интенсивного обучения иностранным языкам.  
Изд. МГПИИЯ им М.Тореза, "Высшая школа" 3,1977
3. Лозанов Г. Сущность истории и экспериментальные перспективы педагогической системы при обучении иностранным языкам.  
Изд. МГПИИЯ, "Высшая школа" 3,1977
4. Г.А. Китайгородская. Методика интенсивного обучения иностранным языкам. Москва, "Высшая школа"
5. Методика преподавания иностранных языков зарубежом. Москва, "Прогресс" 1967.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури"
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги 321-сонли қарори
8. Халқ таълими вазирлиги хайъат мажлисининг "Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилган давлат талабларининг бажарилиши аҳоли ва истиқболи ҳақида"ги 2004 йил 10 октябрдаги 12/1-сонли қарори
9. А. Авлоний номидаги РХТХМОМининг 2004 йил 3 августдаги илмий кенгаши тавсиялари
10. Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг 2002 йил 26 апрелдаги 70-сонли ҳамда 2005 йил 23 февралдаги 2/1-ХБ-сонли буйруқлари
11. Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг 2005 йил 10 ноябрдаги 35-сонли хайъат қарори
12. А. Авлоний номидаги РХТХМОМининг тақвимий-мавзуий режа ва ўқув дастурлари бўйича ахборотноманинг маҳсул сонлари. (1-4 қисмлари)
13. А. Авлоний номидаги РХТХМОМининг 2005 йил 30 декабрдаги 01/9 326-сонли хати ва тавсияномаси.

### ***THE LIST OF USED LITERATURE:***

The Agricultural Science Teachers' Handbook, Peter Taylor, 148 pp, 160 illustrations, VSO Books, ISBN 0 9509050 7 0. *A Handbook for*

*Teaching Sports*, National Coaching Foundation,  
VSO/Heinemann, 160 pp, ISBN 0 435 92317 X. *Introductory*

*Use Visual Aids*, Nicola Harford, Nicola Baird,  
VSO/Heinemann, 128 pp, ISBN 0 435 92317 X. *Introductory*

*Technology: A Resource Book*, Adrian Owena, VSO/ITP, 142 pp,  
ISBN1 85339 064 X. *The Maths Teachers' Handbook*, Jane Portman  
Jeremy Richardson, VSO/

Heinemann, 108 pp, ISBN 0 435 92318 8/ *Participatory Forestry-  
The Process of Change in India and Nepal*, Mary

Hobley, 338 pp) VSO/ODI, ISBN 0 85003 204 0. *The Science  
Teachers' Handbook*, Andy Byers, Ann Childs, Chirs Laine, VSO/

Heinemann, 144 p, ISBN 0 435 92302 1. *Setting Up and Running a  
School Library*, Nicola Baird, VSO/Heinemann,  
144 pp, ISBN 0 435 2304 8 4.

### **Books for development workers**

*Adult Literacy: A Handbook for Development Workers*, Paul Fordam,  
Deryn

Holland, Julet Millican, VSO/Oxfam Publications, 192 pp, .ISBN  
0855983159. *Care and Safe Use of Hospital Equipment*, Muriel

Skeet, David Fear, VSO

Books, 188 pp, ISBN 0 9509050 5 4. *Culture, Cash and Housing*,

Andy Bevan, Maurice Mitchell, VSO/ITP,

128 pp, ISBN1 853391530

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилинганлигига ҳам анча йиллар бўлди. Бу орада мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш, уларни бир-биридан ажратмаган ҳолда бир муносибликда олиб бориш, ёш авлоднинг нафақат интеллектуал ривожланишини, балки жамият учун ҳар томонлама фойдали, юксак ахлоқли ва рақобатбардош кадр этиб тарбиялашга оид жуда кўп дастурлар, методик ишланмаларга киши диққатини ўзининг янгилиги, ижобий ва муҳимлиги билан банд этиб, таълим ислохотининг мазмун моҳияти такомиллашиб бормоқда.

Маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида энг биринчи навбатда шахс камолига урғу берилган. Шахс тарбияси, айниқса, ўқитувчи ва ўқувчи орасида илк инсоний муносабат, “Устоз шўогирдлик” анъаналари келажагимиз тарихидаги кўпгина мактаблардан маълум. Бугунги педагогик жараён мазкур масалага кенгроқ қараш, инсонпарварлик, бағрикенгликни тақозо этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисидаги қарорининг ҳаётга тадбиқ қилиниши юзасидан муайян ишлар амалга



оширилмоқда. Такомиллаштирилган Давлат таълим Стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурлар асосида дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратиш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва мактабларни улар билан таъминлашнинг ягона комплекс тизими яратилди.

Шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эътибор ҳам ортган. ХТПХҚТМОИ учун янги Устав ва янги Давлат талабларининг қабул қилиниши фикримиз дилидир.

## **МАВЗУ: ХОРИЖ ТИЛИ ЎҚИТИЛИШИНING ТАРИХИ**

### **Р Е Ж А**

1. "Метод" тушунчаси шархи.
2. Таржима методи.
3. Тўғри метод.
4. Аралаш метод.
5. Қиесий метод.
6. Педагогик технология.

### **ТАЯАНЧ ИБОРАЛАР**

**Метод, тарихий метод, таржима методи, тўғри метод, аралаш метод, педагогик технология**

**Машғулотнинг мақсади:**

**Таълимий мақсад:** Мавзу бўйича тингловчиларга тўлиқ маълумот бериш, улар тушунчаларини илмий асослаб фикр-мулоҳазаларни чуқурлаштириш.

**Тарбиявий мақсад:** Тингловчиларда ўз фиклари тарихини ўрганишга ва тарихий методика билан ҳозирги методика ўртасидаги боғлиқлик сирларини ўрганиб боришга ҳавас уйғотиш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** Тингловчиларда қиёсий маданият маънавиятини мавзу юзасидан бойитиш.

**Амалий мақсад:** Касбий маҳоратини ошириш.

**Махсулотнинг жиҳози:** тингловчилар учун услубий қўлланма, методик ишланма ва турли қоғозлар, маркер, скоч каби жиҳозлар

#### **МАШҒУЛОТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

- |   |           |
|---|-----------|
| 1. Уюштириш (музёра)                                      | 5 дақиқа  |
| 2. Маънавий қисм  | 5 дақиқа  |
| 3. Мавзу бўйича сухбат<br>(Ақлий ҳужум ва кластер тузиш)  | 40 дақиқа |
| 4. Мавзунини мутахкамлаш<br>(Гуруҳлар ишини ташкил қилиш) | 15 дақиқа |
| 5. Ўз-ўзини одилонга баҳолаш (хулоса)                     | 10 дақиқа |
| 6. Мавзу юзасидан тавсиялар бериш.<br>(Яқунлаш)           | 10 дақиқа |

**Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. "Метод" атамаси қандай маъноларга эга? (Шарҳлаб беринг).
2. Таржима методининг қандай кўринишларини биласиз?  
Ушбу метод билан ишлаганда ўқув жараёни қандай ташкил қилинади?
3. Таржима методининг камчиликлари нимада?
4. Тўғри методнинг келиб чиқиш сабаблари ва намоёндаларини айтиб беринг?
5. Тўғри методнинг асосий хусусиятлари ҳақида нима биласиз?
6. Аралаш метод қандай метод? Унинг намоёндалари кимлар?
7. Қиёсий методнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтиб беринг?
8. "Педагогик технология" деганда нимани тушунасиш?

**ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ**

		----- Тарихий методлар (йўналишлар) -----		----- Жараённи ифодалаш метод (фаолият усуллари) -----	
т	м	т м   к м	а	т м   м к м   к	м
р	е	у е   и е	р	а е   а и е   у	е
и	т	г т   е т	е	н т   ш л т   л	т
х	о	р о   с о	т	и о   к и о   л	о
и	д	и д   и д	л	ш д   ш д   а	д
й		й	о	и       ш	
		-----	ш	-----	

"Метод" тушунчасига доир таълимшунослик ўқитишни умумий назарияси сифатида ушбу атама кенг қўлланиладиган фандир. Дидактлар "Метод" атамасини билиш, малака, кўникмани эгаллаш, ўқитувчилар дунёқарашини шакллантириш ва билиш имкониятларини яратиш йўлидаги муаллим ва ўқитувчининг иш усули маъносида изоҳлайдилар. Фан асосларини ўргатадиган, ўқув предметлари учун мўлжалланган таълимнинг умумий методлари ишлаб чиқилган. Ўқув предметининг хусусиятлари ҳисобга олиниб, методикада хориж тили ўқитиш методлари яратилган. Хориж тили ўқитишда методларни тадбиқ этиш узоқ даврлардан бошланган. Хориж тили ўқитиш методикасида "Метод" атамаси асосан 3 маънони билдиради.

Биринчидан, методика тарихидаги бутун бир йўналиш (таржима методи, тўғри метод, қиёсий метод, аралаш метод);

Иккинчидан, юқоридаги йўналиш таркибига кирувчи ўқитиш системаси;

Учинчидан, муаллим ва ўқувчиларнинг ўзаро боғланган фаолияти усули (танишиш, машқ қилиш ва қўллаш методлари). Хорижий ўқитиш тарихида биринчи ва иккинчи методлар "тарихий" методлар номи билан, учинчиси "жараённи ифодалаш" методлари атамаси билан юритилади. Тарихан методлар тўрт гуруҳга бирлаштирилиб, уларнинг номларига "таржима", "тўғри (ёки таржимасиз)", "қиёсий (ёки онгли-қиёсий)", "аралаш" сўзларини аниқловчи сифатида кушиб айтилади. Шундай қилиб, хорижий ўқитишнинг бир неча асрлик тарихидаги барча методлар тўрт тоифага тўпланган. Уларнинг ҳар бирини қисқача таҳлил қилиш талаб этилади, чунки биринчи методикада уларнинг айрим хусусиятлари муайян шаклда қўлланилмоқда.

## ТАРЖИМА МЕТОДИ.

Ушбу методнинг номи одатда "таржима методлари" атамаси билан кўпликда ишлатилади. Шунга кўра маънони билиб олиш қийин эмас; хорижий тил материали она тилига таржима қилинади. Овропада, аввал юнон тили, кейинчалик лотин тили ўргатилганда таржима тушуниш усули қилиб олинган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида ва XIX аср давомида француз тили, XX асрда эса инглиз тили ва нихоят немис тили таржима орқали ўрганиб олинди.

Мусулмон дунёсида эса асосан араб тили, қисман форс тили хориж тиллар сифатида ўрганиб келинди. Ўлик ва жонли тилларни таржима методи билан ўргатилиб, бу жараён маниқий тафаккурни ривожлантириш омили ҳисоблаб келинди. Араб тили эса ислом дини асарларини ўргатиш воситаси бўлиб, уни кўпчилик ўқитувчилар қуруқ ёдлаш орқали ўрганишар эди. Олий, диний ўқув юртларида араб, форс, туркий тиллар атрофлича ўрганилган.

Таржима методлари орасида энг кўп тарқалганлари "грамматика - таржима методи" ва "матн - таржима методи" номлари билан машхур бўлган. Биринчисининг намоёндалари сўз ва гап таржимасини грамматика қоидаларини ўргатиш учун тадбиқ этганлар, иккинчисининг тарафдорлари эса матнни ўқиш ва унинг мазмунини тушунишда таржимадан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган. Ҳар иккала таржима методини қўллашдан фақат таълимий мақсад кўзланган. Хорижий рецептив тарзда ўрганилган. Ўз даврининг тилшунослик ва рухшунослик маълумотларига асосланиб, хорижий ўқитиш методлари ишлаб чиқилган.

Айрим муаллимлар ҳозиргача таржима методлари усулларидан ноўрин фойдаланилмоқда. Масалан: матнни оғзаки таржима қилиш ғайри методик усулдир. Матннинг айрим жумлалари ёки бир-икки бўлагини муайян мақсадда таржима қилиш ман этилмайди. Луғатдан фойдаланиб, янги сўзларнинг маъноларини очиш мақсадида таржима қилишга мўлжалланган кичик матнлар берилиши мумкин. Бу ерда матнни таржима қилишдан кўзланадиган муддао луғатдан фойдаланишни ўргатиш.

## Т Ў Ғ Р И М Е Т О Д.

Метод номининг келиб чиқишига асосий сабаб шуки, тўғри методда ўқитиш чоғида она тилини четлаб ўтиб, хорижий тилни сўзи билан предмет орасида бевосита ассоциация, яъни фикран боғланиш ўрнатишга ўриниб кўрилган. Хорижий тил грамматикасини ўргатишда ҳам худди шундай методик йўл тutilган: грамматик маъно билан шакл ўртасида бевосита боғланиш ҳосил қилмоқчи бўлишган.

Тўғри методнинг дунёга келиш сабабини хориж тилларни амалий ўрганиш мақсадидан кидириш жоиздир. Ўтган асрнинг охирларига келиб, Ғарбий Оврупа мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатларида хорижий тил ўқитишни ислох қилиш натижасида ушбу метод кашф этилган. Кейинчалик бу метод Осиё, Африка ва бошқа қитъаларга ҳам тарқалган.

Она тили иштирокисиз хориж тилини ўргатишга интилишларни тўғри метод, индуктив метод, табиий метод каби атамалар билан юритила бошланган.

Ушбу методлардан кўзланадиган асосий мақсад хорижий тилни амалий жихатдан ўргатишдир. Она тилини ўрганиш шарт-шароитлари бу методда ўзгаришсиз қабул қилинаверган.

Тўғри методнинг замонавий кўринишларидан иккитаси - аудиолингвал ва аудиовизуал методлари кўп тарқалган. Аудиолингвал методнинг асосчилари (машхур Америка методистлари Чариз Карпентер Фриз ва Роберт Ладо) фикрларига биноан хорижий амалий ва таълимий мақсадда ўрганилади. Тил материалларидан хорижий жумлалари (нутқ намуналари)ни танлаш ва ўргатишга муҳим ўрин берилади. Нутқ фаолияти турларини ўрганиш тартиби қуйидагича кечади: тинглаб тушуниш - гапириш - ўқиш - ёзув. Оғзаки нутқ хорижийда алоқа воситаси сифатида, ёзма нутқ эса оғзаки нутқ материали асосида ўргатилади.

Муаллимлар аудиолингвал методнинг бир қанча ижобий хоссаларини мактаб тажрибасидан биладилар. Чунончи, нутқ намуналарининг тил ўргатиш бирлиги даражасига қўлланилиши, оғзаки нутқнинг илгарилаши, оғзаки нутқнинг материалида ўқиш ва ёзувнинг ўргатилиши V - VII синфларда тегишли ўзгаришлар билан қабул қилинган.

Аудиолингвал методнинг айрим қонуниятлари бизнинг шароитга тўғри келмаслиги мактаб дарсликларига ҳисобга олинган. Масалан: нутқ намуналари онг иштирокисиз ва ҳеч қандай қоидалар берилмасдан ўргатилиши ундаги ғайри илмий кўрсатмалардир. Актив ва пасив тил материални фарқлаган ҳолда уларнинг ўзлаштирилишига бефарқ қарашади. Бу ҳам нотўғри методик йўл-йўриқдир.

Аудиолингвал методдан қатор жихатлари билан фарқ қиладиган аудиовизуал метод намоёндалари (П.Губерина, П.Риван) методик кўрсатмаларига биноан лексик материални танлашга алоҳида эътибор берилган. Ҳаётий мавзуларда эркин фикр

юритиш учун 1500 сўз танланган, турли техникавий воситаларга таълим жараёнида катта ўрин берилади.

Иккала методнинг умумийлигидан ташқари тафовутлари ҳам бор. Масалан, аудиовизуал методда оғзаки нутқ, ёзув ва охириги навбатда ўқиш ўргатилади. Ўқиш ёзувдан кейин ўргатилади. Бизнинг мактабларда ушбу методларидан ижобий фойдаланилади. Ўрта мактабда биринчи йиллари хориж тили ўқитишда ёзув ўқишдан олдин, кейинчалик эса ўқиш ёзувдан олдин ва юқори синфларда ўқиш барча нутқ фаолияти турларидан олдин ўргатилади.

Тўғри методларнинг репродуктив ва рецептив тарзда хорижий ўргатиш методлари ҳам методика тарихида сезиларли из қолдирган.

#### А Р А Л А Ш М Е Т О Д

Ушбу метод икки катта методик йўналишларнинг илмий-амалий томонларини ўзига сингдириб олган. Аралаш методлар XIX аср охири XX аср бошларида таржима ва тўғри методлар қоришмаси сифатида вужудга келди. Аралаш метод ҳақида унинг намоёндалари

Даниялик рухшунос К.Флагстад, немис тилшуноси Э.Отто, немис методисти Ф.Аронштеан, немис тилшуноси Г.Паул кабиларнинг илмий ишларидан маълумотлар олиш мумкин. Аралаш методнинг яна бир бошқача кўриниши тўғри метод ва қиёсий метод принципларининг қоришмаси сифатида вужудга келди. Ушбу замонавий аралаш методнинг намоёндалари методистлар Америкалик П.Хенболд, Белгиялик Ф.Клосса, Германиялик А.Болен ва рус хорижий ўқитиш рухшуноси Б.В.Белиев тадқиқотларидан маълум ва машхурдир.

#### Қ И Ё С И Й М Е Т О Д

Унинг тўлик номи "Онгли қиёсий метод" дейилади. Бу методнинг асосчиси А.В.Шерба бўлиб методни ҳозирги давр хорижий ўқитиш жараёнига мослаштирган. Метод асосчиси ишини самарали давом эттирган педагогика фанлари академияси муҳбир аъзоси, профессор И.В.Рахмонов бўлган. Ушбу методни қиёслаш, она тилига суяниб иш кўриш нутқ фаолиятларини бир йўла ўргатиш сингари хусусий принциплари 40-50 йилларда шаклланади ва кенг кўламда амалий қўлланади. Хорижий тил ўқитишнинг амалий, таълимий ва тарбиявий мақсадлари илмий асослаб берилган бу методнинг биринчи кўриниши эди.

60-йиллардан ҳозиргача бўлган вақт ичида онгли-қиёсий метод замонавийлаштирилди. Жумладан, қиёслаш ўқувчиларнинг дарс пайтидаги юмуш тарзида эмас, балки машқлар системасини тузишда методист ва муаллим ваколатига кирадиган ишдир.

Онгли-қиёсий методнинг биринчи кўринишида қоида асосида машқ бажарилади. Замонавий кўринишида, машқ жараёнида амалий руҳдаги қоида умумлаштирилади. Ўқувчи қиёслаш, қоидани ёдлаш ва айтиб бериш, назарий билимлар йиғиш билан махсус шуғулланмайди.

Метод атамасини ифодалашнинг яна бир тури хорижий ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиладиган методлардир. Улар учта:

- 1) танишиш,
- 2) машқ қилиш,
- 3) қўллаш.

Ушбу уч атамани методик тадқиқотларда тури номлар билан юритиб келинди. Кўпчилик тан олган ва ўқитишда бевосита мушоҳада қилиш мумкин бўлган мазкур методлар ўқувчи нуқтаи назаридан номланган. Ўқувчининг хориж тили ўрганишдаги вазифаси ўқув материали билан танишиш, кўникма ва малака ҳосил қилиш мақсадида машқ қилиш ҳамда ўз фикрини баён этиш чоғида, яъни нутқий мулоқотда тилдан фойдаланишдан иборат. Ҳар бир методнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Танишиш ўқув материални ўрганишдаги биринчи қоидадир. Тил бирлигини ўрганишга киришар экан, ўқувчи унинг шаклини (товуш томонини оғзаки нутқда аниқ равшан эшитиш ёки график тили сонини ёзма матндан кўриб уқий олиш), маънони (предмет, ходиса, ҳаракат билан фикран боғлаш) ва қўлланилиши (бошқа бирликлар билан қўшилиши, қандай ҳолатда ишлатилиши) билан танишади. Шакл, маъно ва қўлланиш ҳар бир лексик ёки грамматик бирликда ўрганиладиган уч томондир. Улар билан танишиш ўқув бирлигини ўзлаштиришнинг бошланиши демакдир.

Ушбу бирлик хотирада сакланишнинг асосий шартларидан бири уни эшитиш ва кўриш сезгилари ёрдамида идрок қилишдир. Шу пайтда тил бирлиги машқ қилиш босқичидан ўтади.

Машқ қилиш йўли билан ўрганилаётган тил ходисалари мустаҳкамланади, уларга

оид динамик стереотип шаклланади. Ушбу динамик стереотип нутқ жараёнида операция мақомида ишга тушади. Машқ қилишда машқлар миқдори ва сифатига, яъни нечта ва қандай машқ бажариш масаласига алоҳида эътибор берилади.

Машқ қилиш чоғида ўқувчи ўзлаштираётган кўникма муаллим назорати остида бўлади. Назорат қилишнинг энг тежалиш усули тест ўтказишдир.

Қўллаш даврида ахборот алмашиш (яъни малака ҳосил қилиш) машқлари бажарилади. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма фикр алмашишлари жараёнида қўллаш методи қўл келади. Олдин ўрганилган материал энди ахборот етказишлар олиш мақсадига бўйсундирилади.

Методлар фаолият кўрсаткичи, ўз навбатида методик ҳаракатлар орқали амалиётда ишлатилади. Масалан: лексиканинг маъносини таржимасиз очиш усули, матндан ахборот олиш усули, грамматик бирликни лексик ўргатиш усули, талаффузни тақлид йўли билан ўргатиш ва хоказо. Аниқ усуллар мажмуаси жараён методини ташкил этади. Методик усул ўқув материални ўргатиш - ўрганишда яққол кўриниб турадиган ҳаракатни билдиради.

Методик адабиётларда методларни "намойиш этиш, тушунтириш ва машқ" номлари билан бериш ёки методлар миқдорини еттигагача холлари учрайди. Қандай номлар ёки улар нечта бўлишидан қатъий назар методлар таништириш, кўникма ҳосил қилиш ва малака беришга йўналтирилган.

## П Е Д А Г О Г И К Т Е Х Н О Л О Г И Я

Педагогик технолоия - таълим бериш ва ўзлаштириш усулларини яратиш, қўллаш, уларни ягона тизимга келтириш йўли билан инсон салоҳияти ва техник воситаларнинг барча имкониятларидан муофик фойдаланиб, билимлар ўзлаштиришнинг энг маъқул жараёндир.

Ю Н Е С К О таърифи.

## ***The Theme: BACKGROUND TO TEACHING ENGLISH***

### ***The plan:***

#### **1. VIEWS OF LANGUAGE**

**A) The Grammatical View**

**B) The Functional View**

#### **2. VIEWS OF LANGUAGE AND TEACHING METHODS**

#### **3. WHY WE LABEL LANGUAGE**

#### **4. LOOKING AT COURSE BOOKS**

### ***Supported phrases:***

***Learning English, learning process, the challenges of a large class, secondary school, university courses, grammar translation, direct methods, communicative language teaching.***

## **BACKGROUND TO TEACHING ENGLISH**

In this chapter we look at different views about language and how people learn, and how these influence the teaching methods and the teaching materials that we use in the classroom. At the end of the chapter, we will show you how to analyse your course so you can plan to use a variety of teaching methods and activities.

### **VIEWS OF LANGUAGE**

For a long time, there has been a lot of discussion about how languages are used and learnt. Until the middle of the twentieth century, many people believed that, in order to speak or write the best kind of English, you had to use complete sentences which were grammatically correct. People learning English wanted to learn to write and speak this 'Standard English'. They also wanted to

sound like native speakers of English from the Home counties. Two things have happened to change these ideas.

First, English has become an international language and it is used as the main language or one of the main languages in countries like America, Australia, India, Malaysia, Nigeria, Pakistan, Philippines, Singapore, South Africa, Zambia and Zimbabwe.

In these countries, different varieties of English have developed. People may pronounce English differently and they may use a different sentence structure from Standard English. Similar words may have completely different meanings or they may not exist in Standard English. For example, in Ghana, people use the word 'trek' to mean 'walk': 'I trekked to the shop on the corner.' 'Trek' also exists in Standard English, but it has a much more specific meaning than 'walk'<sup>1</sup> (it means to migrate or to make a long and difficult journey on foot, carrying equipment and camping at night). But people speaking local varieties of English have no problems communicating with other people who speak the same variety. However, these different or local varieties of English can sometimes be a problem for teachers. Your students may be fluent in the local variety of English, but in order to understand their textbooks or pass their exams they may have to learn British English or American English. (This book is written in British English, people need a common language in order to communicate with each other — for business, travel and social reasons. So, some linguists began to think more about how people actually use and learn to use language for communication in real everyday life.

These changes mean that we now analyse language in several different ways. Let's look at the most notable of these views of language: the Grammatical View (sometimes called the Structural View) and the Functional View. Figure 3.1 gives you more information about some of the different areas of these two views.

How words change according to rules

Grammatical (Structural)

Who are we communicating with?

How words make sentences

How sentences fit together

What are we using language for?

What feelings do we want to show?

The Grammatical View

The Grammatical View is based on the idea that language consists of words (vocabulary) and grammar. Words change according to certain rules, and grammar puts the words into the correct order by following

certain rules. When students know the words and understand the rules of grammar, then the meaning of the Language becomes clear. Then, students can create an endless variety of sentences and it is possible to translate from one language to another easily. In order to study grammar, students need to know the labels which describe different kinds of words (parts of speech) and their place in a sentence (grammatical function). Have a look at the sentence following;

Proper	Verb	Pronoun	Indefinite	Adjective	Noun	PARTS OF
noun			Article			SPEECH
T	t	t	T	t	t	
Maria	gave	him	A	beautiful	present	
4			L			
<hr/> V						
Subject	Verb	Indirect		Direct		GRAMMATICAL



object

object

FUNCTION

### **The Functional View**

The Functional View is based on analyzing how people use language. It categorizes language depending upon the context of the communication, according to what we are using language to do. This is called its function.

Here are some examples of language functions:

I asking for information;

- agreeing with someone;

- inviting someone to do something;

- making suggestions;

K giving instructions;

- talking about the future;

- giving advice;

- apologizing.

### **VIEWS OF LANGUAGE AND TEACHING METHODS**

It is not difficult to see how these views of language have influenced our teaching methods. There is a very close link between the Grammatical View of describing language and the Grammar Translation method of teaching it. Teachers who teach using this method need to have a wide knowledge of vocabulary, a good knowledge of sentence structure and of how texts are formed. Teachers need to know how to describe all this to students in their first or main language. Teachers and students use translation to understand the meaning of a text, so lessons focus mainly upon reading texts and writing down the translation.

The Functional View of language looks at how people use language to communicate. The meaning of the language is usually clear because of the context in which the language is used. You can see how the Direct Methods, with the emphasis on memorizing phrases and dialogues, and Communicative Language Teaching, with the emphasis on communication, are related to this view of language.

Many teachers use a combination of all three methods (as we shall see in Chapters 4 and 5). We have written this book to support you in using a variety of these methods and activities in your classroom,

### **WHY WE LABEL LANGUAGE**

Why is it useful for teachers to know about these different ways of analyzing and labeling language? We have seen how the different views of language affect the teaching methods which teachers use in the classroom.

Most courses are constructed with a particular view of language in mind. For example, we might have a grammatical syllabus, where language is taught through a series of grammar learning points, or a course book in which the activities are strongly functional. Exams, too, are sometimes written with a particular view in mind.

It is not easy for teachers who have a functional course book to help students who need to pass an exam which tests their knowledge of grammar or ability to translate. Students can have a conversation in English, but they cannot identify and label parts of speech or grammatical functions.

In the same way, students may need to learn English so they can communicate in their everyday life, but their textbooks only teach about English grammar. So they can translate literature but they cannot ask the way to a bus stop. Teachers who know about these ways of analyzing language can make sure that they use a variety of teaching methods to meet their students' needs.

So now let's look at how we can analyze our syllabus or course books and how to deal with this kind of mismatch between needs and methods.

### LOOKING AT COURSE BOOKS

First, you need to look at your course book to identify which view of language it reflects. Here are some examples of exercises and classroom activities from different course books. They show you how a view of language is reflected in a classroom activity. Try to identify the language views and teaching method for each (the answers follow).

Example 1

Write the comparative of these adverbs in each blank.

1. hard If she doesn't study

2. well He plays football \_

\_, she'll never pass the exam.

than his brother.

3. fast Amina runs

than Abbas.

4. quiet Kai Lian spoke

than Hai Bee.

(Answer: Structural View<sup>T</sup> and Grammar Translation teaching method. You can see that students need to know the labels for grammar and parts of speech ('comparative', 'adverbs') and that there is no wider context to the language.)

Example 2

Students in Group A: You are customers at the market. Go from stall to stall and complain politely about the following goods that you bought:

1. A bag. The handle is loose.

2. A bicycle pump. The part which attaches it to the bike is missing.

3. A clock. It loses ten minutes a day.

Students in Group B: You sold these goods in the market. Be polite to each customer and try to be as helpful as possible.

(Answer: Functional View. You can see that students are given a real-life situation as the context for the language. The function of the language in this activity is to communicate a complaint.)

You can try two strategies:

1. You can add activities that are not in your course book.

2. You can adapt activities that are already there.

You can use the activities and ideas in this book to help you. For example, the activities in Chapters 6 and 7 use vocabulary and grammar (to meet your students' need to learn this) but they also add variety to make your students more active and motivated. This will help them to learn better. The activities in this book will also give you ideas for adapting the activities in your course book. As you gain confidence, you can develop your own ideas.

In the next two chapters, we will look at how to organize lessons which include a variety of activities.

**Classroom  
Task**

**Action**

Look at one of the books you use in class.

Does it focus on a grammatical or functional view of language or a mixture of these? (Use the examples earlier in this chapter as a reminder of how to do this.)

In your Teacher's Diary, write down the real needs of your students.

Do these match the view of language in the books you use in class?

## А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ж.Жалолов, Хорижий ўқитиш методикаси  
"Ўқитувчи", Тошкент 1996 йил
2. Хошимов У.Х. Инглиз тили ўқитиш методикаси.  
"Ўқитувчи", Тошкент 1995 йил
3. Rogova G.V. Methods of Teaching English.  
Moscow 1975.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури"
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги 321-сонли қарори
8. Халқ таълими вазирлиги хайъат мажлисининг "Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилган давлат талабларининг бажарилиши аҳволи ва истиқболи ҳақида"ги 2004 йил 10 октябрдаги 12/1-сонли қарори
9. А. Авлоний номидаги РХТХМОМИнинг 2004 йил 3 августдаги илмий кенгаши тавсиялари
10. Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг 2002 йил 26 апрелдаги 70-сонли ҳамда 2005 йил 23 февралдаги 2/1-ХБ-сонли буйруқлари
11. Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг 2005 йил 10 ноябрдаги 35-сонли хайъат қарори
12. А. Авлоний номидаги РХТХМОМИнинг тақвимий-мавзуий режа ва ўқув дастурлари бўйича ахборотноманинг махсус сонлари. (1-4 қисмлари)
13. А. Авлоний номидаги РХТХМОМИнинг 2005 йил 30 декабрдаги 01/9 326-сонли хати ва тавсияномаси.

### ***THE LIST OF USED LITERATURE:***

The Agricultural Science Teachers' Handbook, Peter Taylor, 148 pp, 160 illustrations, VSO Books, ISBN 0 9509050 7 0. *A Handbook for*

*Teaching Sports*, National Coaching Foundation,  
VSO/Heinemann, 160 pp, ISBN 0 435 92317 X. *Introductory*

*Use Visual Aids*, Nicola Harford, Nicola Baird,

VSO/Heinemann, 128 pp, ISBN 0 435 92317 X. *Introductory*

*Technology: A Resource Book*, Adrian Owena, VSO/ITP, 142 pp,  
ISBN 1 85339 064 X. *The Maths Teachers' Handbook*, Jane Portman  
Jeremy Richardson, VSO/

Heinemann, 108 pp, ISBN 0 435 92318 8/ *Participatory Forestry-  
The Process of Change in India and Nepal*, Mary

Hobley, 338 pp) VSO/ODI, ISBN 0 85003 204 0. *The Science  
Teachers' Handbook*, Andy Byers, Ann Childs, Chirs Laine, VSO/

Heinemann, 144 p, ISBN 0 435 92302 1. *Setting Up and Running a  
School Library*, Nicola Baird, VSO/Heinemann,  
144 pp, ISBN 0 435 2304 8 4.

### **Books for development workers**

*Adult Literacy: A Handbook for Development Workers*, Paul Fordam,

Deryn

Holland, Julet Millican, VSO/Oxfam Publications, 192 pp, .ISBN

0855983159. *Care and Safe Use of Hospital Equipment*, Muriel

Skeet, David Fear, VSO

Books, 188 pp, ISBN 0 9509050 5 4. *Culture, Cash and Housing*,

Andy Bevan, Maurice Mitchell, VSO/ITP,

128 pp, ISBN 1 853391530

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилинганлигига ҳам анча йиллар бўлди. Бу орада мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш, уларни бир-биридан ажратмаган ҳолда бир муносибликда олиб бориш, ёш авлоднинг нафақат интеллектуал ривожланишини, балки жамият учун ҳар томонлама фойдали, юксак ахлоқли ва рақобатбардош кадр этиб тарбиялашга оид жуда кўп дастурлар, методик ишланмаларга киши диққатини ўзининг янгилиги, ижобий ва муҳимлиги билан банд этиб, таълим ислохотининг мазмун моҳияти такомиллашиб бормоқда.

Маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида энг биринчи навбатда шахс камолига урғу берилган. Шахс тарбияси, айниқса, ўқитувчи ва ўқувчи орасида илк инсоний муносабат, “Устоз шўогирдлик” анъаналари келажагимиз тарихидаги кўпгина мактаблардан маълум. Бугунги педагогик жараён мазкур масалага кенгрок қараш, инсонпарварлик, бағрикенгликни такозо этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисидаги қарорининг ҳаётга тадбиқ қилиниши юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Такмиллаштирилган Давлат таълим Стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурлар асосида дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратиш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва мактабларни улар билан таъминлашнинг ягона комплекс тизими яратилди.

Шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эътибор ҳам ортган. ХТПХҚТМОИ учун янги Устав ва янги Давлат талабларининг қабул қилиниши фикримиз дилидир.

***МАВЗУ: УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ХОРИЖИЙ  
(ИНГЛИЗ)ТИЛИДАН ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ  
СТАНДАРТЛАРИ, ЎҚУВ ДАСТУРИ ВА МАВЗУИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ.  
ХОРИЖ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ.***

**РЕЖА**

- 1. ХОРИЖ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ БОШАНҒИЧ БОСҚИЧИ**
- 2. ХОРИЖ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЎРТАНЧИ БОСҚИЧИ**
- 3. ХОРИЖ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИ**
- 4. ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИГА КЎРА ЎҚУВ ДАСТУРИ ТУЗИШ  
ВА МАВЗУИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ**

**ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

Нутқий кўникмалар, нутқ фаолияти, нутқий механизм, нутқий ҳаракат, психо-физиологик хусусият, психологик ва педагогик, гипотеза, нутқий мулоқот, артикуляция, нутқий машқлар.

## ***МАВЗУ: ХОРИЖ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧИ***

### **РЕЖА**

- 1. Нутқни ҳосил бўлиши хусусидаги концепсияларнинг қисқача шарҳи.**
- 2. Бошланғич босқичнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. Бошланғич босқичда оғзаки нутққа ўқитиш:**
  - а) монологик нутқ**
  - б) диалогик нутқ**

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

Нутқий кўникмалар, нутқ фаолияти, нутқий механизм, нутқий ҳаракат, психо-физиологик хусусият, психологик ва педагогик, гипотеза, нутқий мулоқот, артикуляция, нутқий машқлар.

#### **Машғулотнинг мақсади**

**Таълимий мақсад:** Тингловчиларни нутқ фаолиятини ўстириш бўйича билимларини ривожлантириш

**Тарбиявий мақсад:** Тингловчиларни тилни чуқурроқ ўрганишига бўлган қизиқтиришни янада орттириш

**Ривожлантирувчи мақсад:** Мавзу бўйича ўқитувчилар орасида тажриба алмашиш, методик савиясини ошириш, истикбол режаларини ишлаб чиқиш.қ

**Амалий мақсад:** Дарсда инглиз тили ўқитиш ва ўрганиш муҳитини яратиш, маърузачи ва ўқитувчилар орасидаги интерфаолликка эришиш.

**Машғулотнинг жихози:** тингловчилар учун услубий қўлланма, методик ишланма ва турли қоғозлар, маркер, скоч каби жихозлар

## МАШҒУЛОТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

1. Уюштириш (музёра)	5 дақиқа
2. Маънавий қисм	5 дақиқа
3. Мавзу бўйича сухбат (Ақлий хужум ва кластер тузиш)	40 дақиқа
4. Мавзунини мутахкамлаш (Гуруҳлар ишини ташкил қилиш)	15 дақиқа
5. Ўз-ўзини одилона баҳолаш (хулоса)	10 дақиқа
6. Мавзу юзасидан тавсиялар бериш. (Яқунлаш)	10 дақиқа

### Мустахкамлаш учун саволлар:

1. Инсон нутқини шаклланиши хусусидаги қандай концепсияларни биласиз?
2. Хорижий ўқитишда босқичлар муаммоси ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Бошланғич босқичда нутқнинг қайси турига кўпроқ эътибор берилади?
4. Тил машқлари билан нутқ машқлари қандай фарқланади?
5. Монологик нутқ қандай нутқ? Унинг қандай кўринишларини биласиз?
6. Диалогик нутқнинг психологик хусусиятларини изохлаб беринг?
7. Диалогик бирликларни санаб беринг?

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда инглиз тилидаги оғзаки нутқий кўникмаларни шакллантириш ва ўстириш хусусида сўз юритилганда, энг аввало нутқ фаолияти, инсон нутқининг хосил бўлиши ва ўқувчиларда нутқни шаклланиш масалаларига бир оз тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Тилнинг энг асосий вазифаси кишилар ўртасида мулоқот қилиш воситаси бўлишидир. Инсон бутун ҳаёти давомида нутқини ўстириб боради. Психологик ва методик адабиётларда инсон нутқининг шаклланиши ва ривожланиши хусусида бир қатор концепсиялар ва кўплаб илмий мақолалар мавжуд. Бу масала, айниқса, П.Я.Гальперин, Жинкин Н.И, Леонтьев А.А, Зимняя И.А ва бошқа таникли олимларнинг асарларида кенг ёритилган.

Буларнинг ичидан А.А.Леонтьев ва И.А.Зимняя асарларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Чунки уларнинг асарларида нутқ хосил бўлиш босқичлари илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиниши билан бирга улар хориж тили ўқитиш методикаси билан боғлаб берилган ва хориж тили ўқитиш услуби учун асос бўлиб хизмат қилади.

(Ушбу концепсиялар изохлаб берилади).

Нутқ хосил бўлиш босқичлари ва нутқ фаолияти турларининг таҳлили ушбу курс ишининг вазифасига кирмаганлиги учун ҳам биз кўпроқ кичик ёшдаги болаларда нутқ хосил бўлиши ва улар нутқига қўйилган талабларни кўпроқ ёритишни маъқул топдик.

Инсонда болалик чоғиданок нутқ сўзлашга, яъни идрок этишга эҳтиёж сезилади. Ўз фикрини ифодалаш эҳтиёжи бола ўсиб бориши билан кенгайиб боради ва у тобора кўпроқ, мураккаброқ тил бирикмаларини ўз нутқида қўллаб бошлайди. Демак, боланинг тилни билиши нутқий фаолият асосида кечади. Шунинг учун ҳам кичик ёшдаги болаларда хорижий тилдаги нутқий кўникмаларни шакллантириш ва ўстириш ҳам нутқий асосда кўрилмоғи керак. Албатта, она тилини эгаллаш ва хориж тилини эгаллаш ўртасида анчагина ўзига хослик ва фарқли томонлари бор. Масалан, хорижий

тилни ўрганишни бошлаган кичик ёшдаги ўқувчиларда она тили механизми шаклланиган бўлади ва улар она тилида ўз фикрини эркин ифода қила оладилар. Шунинг учун ҳам мактабда она тили нутқий кўникмаларини кенгайтириб, ўстириб боришга кўпроқ эътибор берилади. Хориж тилини ўқитишда эса аввалам бор нутқий кўникмаларни шакллантириш асосида нутқий механизмни ҳам шакллантириш (бу ерда сўз хориж тили нутқий механизмини шакллантириш ҳақида кетаяпти) ва нутқий кўникмаларни ўстириш юзасидан яъни шунга йўналтирилган иш олиб бориш талаб этилади. Бироқ икки тил учун ҳам хос бўлган нарса мулоқот учун эҳтиёж зарурлигидир. Маълумки, нутқий мулоқот айрим белгилар, сўзлар, сўз бирикмалари ва нутқий конструкциялар асосида амалга оширилади, булар эса турли тилларда турличадир. Шунинг учун ҳам нутқнинг ривожланишида тил мухитининг роли жуда каттадир. Болалар нутқий мулоқот жараёнида оғзаки нутқни эгаллаш билан бир қаторда билим савиясини ҳам кенгайтириб борадилар. Бошқача қилиб айтганда уларнинг дунё қарашини нутқий мулоқот жараёнида ўсиб боради. Бу эса ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ўстиришда юқорида таъкидлангандек эҳтиёж ва тил мухитининг зарурлиги билан бир қаторда улардаги дунё қарашини ўстиришни тақозо этувчи аниқ тил материали бўлиши кераклигини ҳам кўрсатади. Демак, хориж тилидаги оғзаки нутқни ўстиришда ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари дунё қарашларини кенгайтириш зарурияти ва улар тарбиясига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда тил бирикларини ва тематикани танлаш керак бўлади.

Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришдаги яна бир муҳим омил - бу нутқий кўникмалар ҳосил қилишдир. Маълумки, нутқий кўникмалар нутқий ҳаракатни кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинади. Бунинг учун эса маълум нутқий муҳит яратиш ва ўрганилаётган сўз ва ибораларни гаплар ёрдамида кўп марта такрорлаш лозим.

Нутқий фаолият жуда ҳам кенг қиррали фаолиятдир. Унинг шаклланиши ва ўсишида уч нарсага эътибор бермоқ керак:

1. Сўзлар устида ишлаш;
2. Сўз бирикмалари ёки иборалар устида ишлаш;
3. Боғлиқ нутқ устида ишлаш.

Методик адабиётларда ўрта мактабда хориж тили ўқитиш учун босқичга бўлиниши кўрсатилган. Бу 5-10-синфларни ўз ичига олган уч босқичдан иборатдир. Лекин сўнги йилларда мактаб ўқитиш тизимида ўқитиш ўн бир йилликка айлантирилганлиги ва хориж тилларни ўрганиш иккинчи ва учинчи синфлардан, хатто боғчадан ҳам бошланаётганлиги аввалдан мавжуд бўлган ўқув босқичларига ўзгартириш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки 2-3-4- синф ўқувчилари билан 5-6- синф ўқувчиларининг дунё қарашини, психо-физиологик хусусиятлари ўртасида анчагина фарқ мавжуд. Бу эса шу айтилганларни ҳисобга олган ҳолда дарсни ташкил қилиш кераклигини кўрсатади. Умуман олганда ҳар бир босқичнинг ўзига хос ва уларни бошқа босқичлардан фарқли томонлари ўқув материални танлашда ва дарсни ташкил қилишда ҳисобга олинмоғи керак. Шу боисдан олиб қараганда ҳозирда методик адабиётларда мавжуд бўлган, яъни берилган ўрта мактабда хориж тили ўқитишнинг уч босқичига 1-2-3-4- синфларни ўз ичига олган босқич қўшилади ва ўрта мактабда ўқитишни тўрт босқичдан иборат деб талқин қилиш мумкин. Аммо бу психологик ва педагогик нуқтаи назардан яхшилаб ўрганишни ва экспериментал йўл билан синаб кўришни тақозо этадиган мураккаб иш ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ушбу қарашни ҳозирча гипотеза ҳолида қолдириб, ҳозирда методик адабиётларда берилган уч босқичдан келиб чиққан ҳолда шу босқичнинг бошланғич (5-6- синфларида) босқичида оғзаки нутқни ўстириш масалаларини еритишга ҳаракат қиламиз.



## БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Маълумки, биринчи босқичда инглиз тили ўрганишнинг асоси "пойдевори" яратилади. Мактабда бу босқичлар ўртасидаги фарқ аниқ ажратилмаган ва шунинг учун ҳам ўқитиш жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш аста-сёкин бир маъромда олиб борилади. Шунинг учун ҳам босқичлар ўртасидаги чегара шартли равишда ўқув йилининг охири деб олинади. Аслини олганда айрим бир босқичнинг ўзига хос томонлари иккинчи босқичга ўтилганда ҳам маълум бир пайтгача давом этиши мумкин.

Биринчи босқич хориж тили ўргатишнинг ва ўқитишнинг бошланғич босқичи бўлганлиги туфайли ҳам унда оғзаки нутққа ва ўқиш техникасини ўстиришга катта эътибор берилади. Ушбу босқичда талаффузга ўргатиш хориж тили нутқий механизмнинг айрим элементи бўлмиш хориж тили нутқининг идрок этиш ва оғзаки нутқий мулоқотнинг энг содда ва оддий савол - жавобдан иборат нутқий бирикмалардан фойдаланишга ўргатиш катта аҳамиятга эга. Биринчи ўқув йилида айниқса инглиз тили талаффузига ўргатишга алоҳида эътибор берилмоғи керак, чунки бу даврда талаффуз кўникмалари шакллантирилади ва кейинги босқичларида эса у кенгайтирилиб, ривожлантириб борилади. Агар ўқувчиларда бошланғич босқичда инглиз тили товушларининг аниқ талаффузига, артикўляциясига эришилса, кейинги босқичларда ушбу масаласини хал этиш анча мушкул бўлади.

Нутқ товушларининг коррекцияси махсус машқларни ва иш усулини талаб қилганлиги учун ҳам бу ишга юқори босқичда куйи босқичдагига нисбатан кўпроқ вақт сарф қилишга тўғри келади.

Биринчи босқичдаги энг асосий вазифа танлаб олинган лексик материални маълум грамматик структуралар асосида нутқда қўллашни ўрганишдир. Бу эса нутқ хосил қилиш механизмнинг шаклланишига ёрдам беради. Ушбу ўрганилаётган грамматик структураларни юқори даражадаги автоматлашувига эришмоқ талаб этилади. Биринчи йили хориж тили ўргатишнинг ўзига хос томони бўлмиш лексик ва грамматик жихатдан чегараланганлиги ўқув жараёнини маълум тематик асосида ташкил қилишга тускинлик қилади. Шундай қилиб бошланғич босқичда ўқитишнинг кейинги босқичларида ўрганилиши керак бўлган тематика асосида ташкил қилиш учун шароит яратиб беради.

Агар бошланғич босқичда хориж тили ўқитишни нутқ фаолияти турлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, ўқишга ўргатишда куйидаги вазифаларни бажариш зарур:

- а) ўқиш механизмини хосил қилиш;
- в) оғзаки ўқиш техникасини ўстириш;
- с) уқиганни тушунишга ўргатиш.

Бу жараённи ўзига хослиги шундаки, бу иш аввал тула ўрганилган лексик-грамматик, грамматик материал асосида текстларни овоз чиқариб ўқиш орқали амалга оширади.

Бошланғич босқичга ёзма нутқни ўстириш инглиз тили хуснихати оғзаки нутқда ўзлаштирилган сўзларни езишни ўрганиш билан характерланади. Хориж тили ўқитишнинг оғзаки илгарилаб кетиш тамойилига (принципига) кўра тил материални ўрганиш оғзаки нутқда ва ўқишда бир вақтда олиб борилмайди. Бу босқичда тил материални ўрганиш куйидаги схема асосида олиб борилади:

тинглаб тушуниш - гапириш - ўқиш - езиш.

Бундан кўришиб турибдики, бошланғич босқичда нутқ фаолияти тўртинчи оғзаки нутқий характерга эга турларига кўпроқ эътибор берилади. Хориж тили ўқитишнинг бошланғич босқичда "оғзаки кириш қисм" деган атама тез-тез учраб туради. Методик адабиётларда (масалан Пальмер асарларида ва Дексон серияси асосида чиқарилган дарсликларда) бу қисм, яъни оғзаки илгарилаб кетилган 1 - 1,5 ажратилади. Айрим методистлар эса бу давр 2 - 3 соатни ўз ичига олса кифоя, колган даврлар ўқитиш

жараёни комплекс холда олиб борилиши маъқул деб айтилади. Оғзаки илгарилаб кетиш даврида иш оғзаки асосга кўрилгани учун ҳам уни кўпроқ еритиб утилгани мақсадга мувофиқдир. Бу даврдаги иш, асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларда тўғри инглизча талаффуз кўникмаларини ўстириб ва ўрганилаётган тил материални ўз ичига олган грамматик структураларни интонацион жихатдан тўғри тўзилишига эришиш.

2. Грамматик структураларни тинглаб тушуниш ва гапириш жараёнида ўрганиш, уларни бошланғич босқичда ўрганиш учун танлаб олинган лексик материал билан тўлдириш ҳамда савол - жавоб характерида эга бўлган машқлар ёрдамида тўғри талаффуз қилишга ва оғзаки нутқда қўллашга ўргатиш.

3. Лексик бирликлардан грамматик структураларни ўрганишда унинг айрим қисмларининг урнини алмаштириб турли гаплар тўзиш ва урни алмаштирувчи машқлар ёрдамида нутқ фаолиятининг бошқа турларини ўрганиш учун замин тайерловчи восита сифатида фойдаланиш.

4. Инглиз тили алфавитидаги кириш курсига инглиз тили ҳарфларини, ҳарф бирликларини езилиши ва уқилишини ўрганиш.

Ҳарчи оғзаки нутқ кириш курсига инглиз тили ҳарфларини, ҳарф бирикмаларини ва айрим сўз ва гапларни езиш киритилса ҳам бу оғзаки илгарилаб кетиши тамойилига зид бўлмайди, чунки бу даврда ўқувчиларда қилинадиган ёзув ва ўқиш кўникмалари нутқ фаолиятининг шу турларини эгаллаш учун тайергарлик вазифасини бажаради холос.

Бошланғич босқичда ўқишнинг асосан овоз чиқариб ўқиш турига кенг ўрин ажратилган. Ўқиш учун ажратилган текстлар ҳам энг содда ва оддийдан аста-сёкин мураккаблашиб борди. Лекин шуни айтиш керакки, бошланғич босқичлардаги иш фаолияти асосан оғзаки нутқий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлишига қарамай инглиз тилида оғзаки нутқни ўстириш масаласини хал кила олмайди. У хақиқий оғзаки нутқ устида ишлаш учун фақат тайергарлик босқичини ўтайди.

Ушбу босқичда оғзаки нутқ устида ишлашнинг асосий огирлиги ўқувчиларнинг алоҳида гаплар эмас, балки боғлиқ гаплар ҳам тўзишларига имкон берувчи маълум лексик бирликларни эгаллаб олган даврига тўғри келади.

Бундан ташқари ўқувчилар бошланғич босқичда The Present in definite Tense, The Past in definite Tense., The Future

Tense in definite Tense каби феъл замонларини яхши билишлари ва феъл шаклларида ушбу замонларда эркин фойдалана оладиган бўлишлари талаб этилади. Ўқувчилар отларни бирликда ва кўпликда ишлатилишини, ҳозиргина ноаниқ замонда келган феълнинг III шахс бирликдаги шаклига "s" ёки "es" кушимчаларини қўшилишини, гапларнинг сурок, инкор ва буйрук шакллари ҳам бошланғич босқичда ўқиш даврида эгаллайдилар. Агар ўқувчилар оддий саволларга жавоб бера олмасалар ва улар фақат бир хил грамматик конструкция ёрдамидагина гаплар тўзсалар биз уларнинг бу нутқини хақиқий инглиз тили нутқи деб қабул қилмаслигимиз керак. Бундан ташқари оддий сурокларга жавоб бериш ҳам инглиз тилида нутқни эгаллаш деган нарсани билдирмайди. Шунда характердаги машқларни ҳам оғзаки нутқни ўстирувчи машқларни ҳам оғзаки нутқни ўстирувчи машқлар деб ҳисоблаш унчалик тўғри эмас. Улар оғзаки нутқни ўстирувчи машқлардан кўра кўпроқ тил материални ўрганишни ва ўргатишни олдига мақсад қилиб қуяди ва шунга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан холда ушбу босқичда қўлланиладиган машқларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Тил машқлари;

2. Нутқ машқлари;

Бу атамалар методикада кенг қўлланилганлиги учун ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини бир оз аниқроқ фарқлаб олишга тўғри келади.

Тил машқларига қуйидаги машқларни киритиш мумкин:

а) талаффузга ўргатувчи машқлар;

в) сўзларни ўрганишга қаратилган машқлар;

с) Грамматик структурани ўрганишга қаратилган машқлар;

Бу санаб утилган машқлар у ёки бу тил материални ўрганишга ва ўргатишга қаратилган бўлиб, улар мустақил фикр билдиришни ўргатишга йўналтирилмаган.

Масалан, турли сўзлардан гаплар тўзиш, диалогларни ед олиш, ўрин алмаштириш жадвали асосида гаплар тўзиш каби машқларни тил машқлари қаторига кушишнинг сабаби шуки, ушбу машқлардаги асосий мақсад тил материални ўрганишдир. Бундай машқларни бажаришда ўқувчилар бутун диққат эътиборини ўзларини айтаётган гапларнинг ва бераётган ахборотнинг мазмунига эмас, балки тўзаетган гапларнинг шаклига, уларни грамматик жihatдан тўғри ёки нотўғри тўзилганлигига, сўзлардаги кушимчаларни ишлатилишига демак кўпроқ шаклга қаратадилар.

Нутқий машқлар эса тил машқларидан фарқлироқ ўқувчиларнинг ўз фикрларини ифодалашга ўргатишни мақсад қилиб қуяди. Бу машқларни бажаришда ўқувчилар гапларнинг тўзилишига эмас, уларнинг мазмунига кўпроқ эътибор беришлари талаб этилади, чунки тил бирликлари, уларнинг шакли ва даврига келиб автоматлашган, яъни кўп маротаба машқ қилганлиги туфайли ўқувчиларни фикрлашига тускинлик қилмайдиган даражага келтирилган бўлиши керак.

Шундай қилиб бошланғич босқичда хориж тили ўқитишнинг тахлили шуни кўрсатадики, ушбу босқичдаги асосий вазифа оғзаки нутқни ўстиришга қаратилганлигига қарамай маълум даражадаги ўқиш ва ёзув кўникмаларини ўстиришни ҳам ўз ичига олади.

Шу билан бирга бошланғич босқичда ўқув материални ўрганиш учун ўқув жараёнига киритиш қуйидаги кетма-кетликда бўлиши талаб этилади:

тинглаб тушуниш - гапириш - ўқиш - ёзув.

Шу босқичда хориж тилини ўрганаётган фаолиятига ва ўқувчилар томонидан инглиз тилини ўрганишда қуйидаги вазифага асосий диққат эътиборни қаратмоқ лозим.

1. Инглиз тили талаффузи устида ишлаш ва уни ўстириш ўқувчилар нутқини товуш ва интонацион тўзилишини ўз ичига олади. Бу даврда ўқувчиларнинг инглиз тилидаги талаффузига бўлган диққат эътибор сира ҳам сусаймаслиги керак.

Кўпинча ўқишга ўтишда оғзаки нутқда шакллантирилган товушлар артикўляциясининг бўзилиш холлари учрайди. Бунга йўл қуймаслик ва керак бўлганда кушимча оғзаки машқлар бажариш лозим.

2. Янги сўзларни ўрганиш аввал ўзлаштирилган грамматик конструкциялар асосида олиб борилади. Бу эса ушбу босқич учун танлаб олинган тил материали асосида нутқий механизмни шакллантиришга ёрдам беради. Бундай материал ўқувчилар томонидан энг оддий мулоқотни олиб боришга имкон яратади ва келгусида инглиз тилидаги нутқни тинглаб - тушунишга ва инглиз тилида гапиришга имкон беради.

3. Уқиганни тушуниб олиш ва ўқиш техникасини ўзлаштириш. Ўқиш техникасини ўстириш аввал оғзаки нутқда ўрганилган сўзлар асосида олиб борилади.

4. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқда ўзлаштирилган сўзларнинг орфографиясини ўрганишни ёзма машқлар асосида олиб бориш ва ўрганилган лексик ва грамматик материални ёзув орқали мустахкамлаш.

Бошланғич босқичда тинглаб, тинглаб-тушуниш ва гапиришга ўргатиш грамматик структураларни нутқда қўллашни машқ қилиш жараёнида олиб борилади.

### **III Оғзаки нутқка ўргатиш.**

Оғзаки нутқий мулоқотга ўргатиш, тинглаб тушуниш ва гапириш орқали амалга оширилади. Бу ерда гапирувчи ахборот бериш жараёнида нутқий мулоқотни амалга оширса, тингловчи эса уни тинглаш ва тушуниб олиш орқали нутқий мулоқотни амалга

оширади. Сухбат давомида гапирувчи билан тингловчининг роллари (ўрин) алмашиб туради, яъни улар навбат билан гоҳ тинглаб, гоҳ гапиришлари мумкин.

Оғзаки нутқий мулоқот бир томонга йўналтирилган бўлиши ҳам мумкин. Бунда биринчи шахс фақат гапиради, иккинчиси эса тинглайди. Бундай ҳолатдаги нутқни бир томонлама йўналтирилган нутқ, яъни "монологик" нутқ деб атаёмиз.

Гапирувчи ва тингловчининг урни алмашиб тўрғандаги нутқ шакли "диалогик" нутқ деб аталади.

### **Монологик нутқ**

Айрим бир киши бераётган маълумот монолог дейилади. У маъруза усулида, радио орқали берилиши мумкин. Монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, қуйидагилардан иборат: 1. Монологик нутқ фақат бир томонга йўналтирилган бўлади.

2. Монологик нутқ контекстуалдир, қанча кўп айтилса, шунча кўп эса қолади.
3. Монологик нутқда гаплар тула грамматик структурада бўлади.
4. Монологик нутқда талаффузга катта эътибор берилади.

Монологик нутқнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) хикоя
- б) таърифлаш
- в) тасвирлаш
- с) муҳокама
- д) маъруза

Айрим методист олимлар Retell ҳам монологик нутқни бир тури деб ҳисоблашади. Чунки нутқда бир киши катнашади. Лекин бошқа гуруҳ олимлари Retell монологик нутқ эмас, чунки ўз фикрини ифодалаш кўникмаси мавжуд эмас, деб ҳисобланади.

Монологик нутқ тайерланган ёки тайерланмаган ҳолда учрайди. Биз бошланғич босқичда тайерланган монологик нутқдан фойдаланамиз. Тайерланмаган монологик нутқ юқори синфлар учун мулжалланган бўлиб, қуйидаги турлари мавжуд:

1. Мавзуни уйлаб топинг ва изохланг.
2. Ўрганилмаган матнлар билан боғлиқ бўлмаган расмларни тасвирлаш.
3. Аввал эшитилган ахборотга мувофиқ ситуация тўзиш.
4. Фактларни изохлаш.
5. Қисқача эълон қилиш.

### **Диалогик нутқ**

Диалогик нутқ оғзаки нутқнинг бир тури бўлиб, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сухбати асосида қўрилади. Методист Шу-бин хориж тили ўқитишни бошлаганда дастлаб диалогик нутқ кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш керак дейди. Диалогик нутқни ўргатишимиздан олдин нутқий вазият ҳосил қилишимиз керак. Нутқий вазият икки хил бўлади: 1. табиий

2. таълимий

### **Диалогик нутқнинг психологик хусусиятлари:**

1. Бирдан ортиқ киши иштирок этади.
2. Ҳамма вақт сухбатдошининг саволига тайер туриш талаб этилади.
3. Маълум шахсга қаратилган бўлади.
4. Нутқий вазият катта роль уйнайди.
5. Диалогик нутқ эмоционаллиги билан ажралиб туради.
6. Диалогик нутқ маълум мотивация, ташаббускорлик талаб этади.

### **Диалогик нутқнинг лингвистик хусусиятлари:**

1. Савол - жавоб бирлиги.
2. Турли хил лукмаларнинг мавжудлиги.
3. Экстролингвистик факторлар мавжудлиги.
4. Қисқа ва тўликсиз гаплар мавжудлиги.
5. Стандарт ёки типологик жумлаларни кўп ишлатилиши.

### **Кенг тарқалган диалогик бирликлар қуйидагича:**

1. Хабар бериш - хабар тўлдириш.
2. Хабар бериш - ўз фикрини ифодалаш.
3. Хабар бериш - қайта сураш.
4. Хабар бериш - илтимос.
5. Савол бериш - жавоб бериш.
6. Савол бериш - карши савол бериш.
7. Буйрук бериш - маъқўллаш.
8. Илтимос - хабар бериш.
9. Буйрук бериш - ўз фикрини ифодалаш.

### **МАВЗУ: ХОРИЖ ТИЛИГА ЎҚИТИШНИНГ ЎРТАНЧИ БОСҚИЧИ.**

#### **РЕЖА**

1. Ўртанчи этапнинг ҳарактеристикаси.

(яъни ўзига хос хусусияти)

2. Ўртанчи этапда ўқув жараёнини ташкил этиш.

3. Дарсга кўйилган асосий талаблар.

4. Ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш шакллари.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Нутқий кўникмалар, нутқ фаолияти, нутқий механизм, нутқий ҳаракат, психофизиологик хусусият, психологик ва педагогик, гипотеза, нутқий мулоқот, артикуляция, нутқий машқлар.

### Машғулотнинг мақсади

**Таълимий мақсад:** Тингловчиларни нутқ фаолиятини ўстириш бўйича билимларини ривожлантириш

**Тарбиявий мақсад:** Тингловчиларни тилни чуқурроқ ўрганишига бўлган қизиқтиришни янада орттириш

**Ривожлантирувчи мақсад:** Мавзу бўйича ўқитувчилар орасида тажриба алмашиш, методик савиясини ошириш, истиқбол режаларини ишлаб чиқиш.қ

**Амалий мақсад:** Дарсда инглиз тили ўқитиш ва ўрганиш муҳитини яратиш, маърузачи ва ўқитувчилар орасидаги интерфаолликка эришиш.

